

Рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинди

**МЧЖ шаклидаги «Buxgalter-Audit»
Аудиторлик ташкилоти**

**Мустақил аудиторларнинг
аудиторлик хулосаси**

Тошкент – 2019 й.

«Buxgalter-Audit» МЧЖ
Аудиторлик ташкилоти
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент
шаҳар, Юнусобод тумани, Кашгар даҳаси
(М4), 9 уй, 3 хонадон, тел.: (71) 235-94-94,
e-mail: buxgalteraudit@gmail.com

«Karbonat» АЖнинг 2018 йил
31 декабрда яқунланган ХМҲС бўйича
тузилган молиявий ҳисоботи бўйича
мустақил аудиторнинг аудиторлик
хулосаси

«Karbonat» АЖ акциядорларига

Аудиторнинг фикр-мулоҳазалари

Биз «Karbonat» АЖнинг 2018 йил 31 декабр ҳолатига кўра молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда кўрсатиб ўтилган санадаги йил учун тегишли ҳисоботлар: жами даромадлар тўғрисидаги, пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ва ўз капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги (кейинчалик молиявий ҳисобот) ҳисоботларнинг, шунингдек ҳисоб сиёсатининг муҳим жиҳатлари тўғрисидаги ахборотнинг ва бошқа тушунтирувчи маълумотларнинг аудиторлик текширувини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, «KARBONAT» АЖнинг илова қилинаётган молиявий ҳисоботи барча муҳим жиҳатларда 2018 йил 31 декабр ҳолатига унинг молиявий ҳолати, шунингдек унинг кўрсатиб ўтилган санага келиб яқунланган молиявий натижалари ва пул маблағлари ҳаракатини Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тўғри ва ҳаққоний тушунчани беради.

Фикр-мулоҳазани билдириш учун асос

Биз Халқаро аудит стандартларига (ХАС) мувофиқ аудитни ўтказдик. Ушбу стандартларга мувофиқ бизнинг мажбуриятларимиз хулосамизнинг «Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги» бўлимида кўрсатиб ўтилган. Биз Бухгалтерлар учун халқаро этика стандартлари Кенгашининг «Профессионал бухгалтерлар этикаси кодекси» (БХЭСК Кодекси)га ва бизнинг Ўзбекистон Республикасидаги молиявий ҳисобот аудитига тааллуқли этикага оид талабларга мувофиқ мустақилдирмиз ҳамда ушбу талаблар ва БХЭСК Кодексига мувофиқ бошқа этикага оид мажбуриятларни бажардик.

Биз томондан олинган аудиторлик далиллари бизнинг аудиторлик фикримизни ифодалаш учун асос бўлиб хизмат қилиши учун етарли ва лозим даражада деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг асосий масалалари

Аудитнинг асосий масалалари – бу бизнинг касбий фикр-мулоҳазамизга кўра жорий давр учун молиявий ҳисоботнинг аудити учун энг муҳим ҳисобланган масалалардир. Ушбу масалалар умуман олганда бизнинг молиявий ҳисобот аудити контекстида ҳамда ушбу масалалар бўйича бизнинг фикримизни шакллантиришда мавжуд эмас.

Бошқа маълумотлар

Молиявий ҳисоботнинг аудити ўтказилиши муносабати билан молиявий ҳисоботнинг маълумотлари ёки аудиторлик текшируви жараёнида олинган маълумотлар билан бошқа маълумотларда жиддий номувофиқликлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида бошқа маълумотлар билан танишиб чиқиш аудиторнинг мажбуриятларига киради. Агар биз томондан бажарилган ишлар натижасида ушбу бошқа маълумотларда жиддий бузилиш ва хатолик мавжуд деган хулосага келсак, биз бундай ҳолатлар тўғрисида хабар қилишим шарт. Биз томондан хабар қилиниши шарт бўлган ҳолатлар мавжуд эмас.

Раҳбариятнинг жавобгарлиги

«Karbonat» АЖнинг раҳбарияти кўрсатиб ўтилган молиявий ҳисоботни ХМҲСга мувофиқ тайёрланиши ва ҳаққоний ифодаланиши учун ҳамда раҳбарият ноҳалол ҳаракатлар ёки хатолар оқибатидаги жиддий нотўғри кўрсатишлар мавжуд бўлмаган

молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун зарурий ҳисоблайдиган ички назорат тизими учун жавобгар бўлади.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш имкониятини баҳолаш, тегишли ҳолларда фаолиятнинг узлуксизлигига боғлиқ маълумотлар ошкор этилиши ҳамда фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги йўл қўйишлар асосида ҳисоботни тузиш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботда ноҳалол ҳаракатлар ёки хатолар оқибатидаги жиддий нотўғри кўрсатишлар ҳамда бизнинг фикр-мулоҳазаларимиз кўрсатилган аудиторлик хулосасида жиддий хатолар мавжуд эмаслигига оқилона ишончга эга бўлишдан иборат. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончни касб этади, бироқ ХАСларига мувофиқ ўтказилган аудит жиддий хатолар мавжуд бўлганда уларни ҳар доим аниқланишини кафолатламайди. Нотўғри кўрсатишлар ноҳалол ҳаракатлар ёки хатолар натижаси бўлиши мумкин ва улар алоҳида ёки биргаликда фойдаланувчиларнинг ушбу молиявий ҳисобот асосида қабул қилинадиган иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатиши мумкин деб асосли равишда тахмин қилиш мумкин бўлса, жиддий ҳисобланади.

ХАСларга мувофиқ ўтказилаётган аудит доирасида биз бутун аудит давомида касбий мулоҳазани қўллаймиз ва касбий скептицизмни сақлаб қоламиз. Бундан ташқари, биз қуйидаги ишларни бажарамиз:

- молиявий ҳисоботнинг ноҳалол ҳаракатлар ёки хатолар оқибатидаги жиддий нотўғри кўрсатишлар таваккаллари аниқлаймиз ва уларга баҳо берамиз; ушбу таваккалларга жавобан аудиторлик тартиботларни ишлаб чиқамиз ва ўтказамиз; ўз фикримизни билдириш учун асос ҳисобланиши учун етарли ва тегишли ҳисобланувчи аудиторлик далил-исботларни оламиз. Ноҳалол ҳаракатлар натижасида жиддий нотўғри кўрсатишларни аниқламаслик таваккали хато натижасида жиддий нотўғри кўрсатишларни аниқламаслик таваккалига қараганда юқори, чунки ноҳалол ҳаракатлар тил бириктириш ю сохталаштириш, қасдан хато қилиш, ахборотни нотўғри ифодалаш ёки тизимни четлаб ўтишга қаратилган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкин;

- ҳолатларга жавоб берувчи аудиторлик тартиботларини ишлаб чиқиш мақсадида, бироқ Жамиятда ички назорат тизимининг самарадорлиги ҳақидаги фикрни ифодалаш мақсадини кўзламаган ҳолда аудит учун аҳамиятли бўлган ички назорат тизими борасида тушунчага эга бўламиз;

- қўлланилаётган ҳисоб юритиш сиёсатининг тегишли характерини ҳамда бухгалтерия ҳисоб-китобларининг асослиги ва раҳбарият томонидан тайёрланган ахборотларнинг тегишли равишда ошкор этилишини баҳолаймиз;

- раҳбарият томонидан фаолият узлуксизлигига йўл қўйишни қўллаш қонунийлиги борасида хулоса чиқарамиз, олинган аудиторлик далиллар асосида эса – ўз фаолиятини узлуксиз равишда давом эттириш қобилиятида катта шубҳалар юзага келиши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шартлар сабабли жиддий номуайяنлик мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги борасида хулоса чиқарамиз. Агарда биз жиддий номуайянлик мавжудлиги борасидаги хулосага келсак, биз аудиторлик хулосамизда молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган маълумотларни тегишли равишда ошкор қилинишига эътибор қаратишимиз ёки маълумотларнинг бу тариқа ошкор этилиши тегишли эмас деб ҳисобланмаса, ўз фикр-мулоҳазаларимизни модификация қилишимиз лозим. Бизнинг хулосаларимиз аудиторлик хулосамиз тузилган санадан олдин олинган аудиторлик далилларига асосланган. Бироқ, келажакдаги ҳодисалар ва шартлар Жамият ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини йўқотишига олиб келиши мумкин;

- умуман олганда молиявий ҳисоботни тақдим этиш, унинг тузилмаси ва мазмунини, шу жумладан ахборотни ошкор қилиш, шунингдек молиявий ҳисобот унинг асосида ётувчи амалиётлар ва ҳодисаларнинг ҳаққоний ифодаланишини таъминлаш учун баҳолашни амалга оширамиз;

● молиявий ҳисобот борасида ўз фикримизни билдириш мақсадида «Karbonat» АЖнинг молиявий маълумотларига тааллуқли етарлича ишончли аудиторлик далилларини қўлга киритамиз. Биз «Karbonat» АЖ аудитига раҳбарлик қилиш, назорат қилиш ва унинг ўтказилиши учун жавоб берамиз. Биз ўзимизнинг аудиторлик фикримиз учун тўлиқ жавобгармиз.

Биз корпоратив бошқарув учун жавобгар шахслар билан ўзаро ахборот алмашинувини амалга ошириб, бошқалардан фарқли ўлароқ режалаштирилган аудит ҳажми ва муддатлари, шунингдек аудит натижалари бўйича муҳим мулоҳазалар, шу жумладан биз аудит жараёнида аниқлайдиган ички назорат тизимининг жиддий камчиликлар тўғрисида ахборотларни уларнинг эътиборига етказди.

Шунингдек биз корпоратив бошқарув учун жавобгар бўлган шахсларга эркинлик борасидаги барча тегишли одоб-ахлоқ талабларига риоя қилганлигимиз ҳақидаги аризани тақдим этамиз ҳамда ушбу шахсларни барча ўзаро муносабатлар ва аудиторнинг эркинлигига асосланган равишда таъсир кўрсатувчи деб ҳисоблаш мумкин бўлган бошқа масалалар, зарурият бўлган ҳолларда эса - тегишли олдини олиш чоралари борасида хабардор қилганмиз.

Мустақил аудиторларнинг ушбу аудиторлик хулосаси натижалари бўйича топширик раҳбари

Шайхиисламова Зульфия

ИМЗО

«Vuhgalter-Audit» МЧЖ Аудиторлик ташкилотининг директори

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар

2019 йил 03 июн

«Vuhgalter-Audit» МЧЖнинг думалоқ муҳри.